



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИ МОХИЯТИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

Комилов Мухаммадқодир Авазжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети мустақил
изланувчиси*

Аннотация: Ушбу мақола орқали Сиз, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жиноятчиликка қарши курашишнинг бош йўналишига айлантириш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни ҳамда уларни тартибга солувчи асосий қонунчилик нормалари ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунчилик, ҳуқуқ, профилактика инспектори.

Қонун ҳужжатларида жамоат жойига аниқ таъриф ва ягона ёндашув бўлмаганлиги сабабли мутахассислар бу борада мунозара қилиб келадилар. ИИБ «Жамоат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунига жамоат жойлари тушунчаси ва таснифини киритди. Шу нуқтаи назардан ИИБ томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўлловчилар учун ишончли таянч нуқтаси бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча жамоат жойи - деганда тўсиқсиз кириш (бўлиш) учун очиқ бўлган, ёхуд фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган жойдаги участкалар, бинолар, хоналар, иншоотлар, уларнинг қисмлари, шунингдек транспорт коммуникацияларини тушуниш таклиф этилган. Жамоат жойлари таснифи эса уларнинг очиқ бўлиш вақти мезонига асосланган:

- Доимий тусдаги – ҳудудда фуқароларнинг доимий бўлиши ёки доимий бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгиланмагани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд бўлиши билан таснифланади. Булар – транспорт магистраллари, кўчалар, турар жой даҳалари, маҳаллалар, мавзелар, микрорайонлар ҳудудлари, аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари ва ҳ.к.;

- Вақтинча тусдаги – фуқароларнинг вақтинча бўлиши ёки вақтинча бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгилангани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд эмаслиги билан таснифланади. Уларга хиёбонлар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, савдо, кўнгилочар, савдо-кўнгилочар комплекслари ва марказлари,



гипермаркетлар, супермаркетлар, бозорлар ва фуқаролар оммавий тўпланадиган бошқа жойлар ва ҳ.к. киради;

- Бир марталик тусдаги – оммавий жамоат, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ишлар ва тадбирларни, шу жумладан улар оммавий бўлган пайтда тантанали тадбирлар, диний маросимларни ўтказиш пайтида оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар ва жойдаги алоҳида участкалар.

Адлия вазирлигининг "Ҳуқуқий ахборот" каналида маълум қилинишича, қонунчиликка мувофиқ қуйидагилар жамоат жойлари ҳисобланади:

- стационар савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналари;
- кинотеатрлар, театрлар, цирklar, концерт, кўрик ва кўргазма заллари ҳамда оммавий дам олиш учун ёпиқ иншоотлар;
- клублар, дискотекалар, компьютер заллари, Интернет хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёхуд бошқа кўнгилочар жойлар;
- музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва маърузахоналар;
- маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездлар, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари, дарё кемалари, шаҳар, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиган автобуслар, таксилар, йўналишли таксилар ҳамда шаҳар электр транспорти, ҳаво кемалари;
- ер ости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари;
- аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бинолари;
- соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотлари, таълим муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари;
- иш жойлари бўлган хоналар;
- кўп квартирали уйларнинг йўлаклари, шунингдек уйлар олди ҳудудида жойлашган болалар ва спорт майдончалари;
- хиёбонлар, боғлар, кўчалар ва бошқа жойлар.

Шунингдек, жамоат жойларида қуйидагилар тақиқланади:

- тамаки маҳсулотларини истеъмол чилиш, шунингдек чилим ва электрон сигареталар чекиш;
- майда безорилик, яъни уятли сўзлар билан сўкиниш, ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш;
- ибодат либосларида юриш;
- алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш;
- тиланчилик қилиш;
- рўйхатдан ўтказилмаган байроқлар ва вимпеллардан фойдаланиш;



- ит ва мушукларни тумшукбоғсиз ва етовсиз олиб юриш.

Жамоат жойларида мазкур хатти-ҳаракатларни содир этиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадор-лигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони ички ишлар органлари тизимида, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида туб ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу фармонда:

– ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолаётганлиги, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги – ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар сирасига киритилди;

– аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш – ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан этиб белгиланди;

– ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаётганлиги – кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар сирасига киритилди;

– вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватан-парварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш – ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан этиб белгиланди;

– ички ишлар органлари қўйи бўғини фаолиятининг самара-дорлигини ошириш мақсадида туман (шаҳар) ички ишлар бош-қармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи лавозими жорий этилди. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваламбор, вояга етмаганлар



хамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 март-даги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2833-сонли қарори асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизими яратилди. Шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилди.

Энг аҳамиятлиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмасликдек эскича ёндашувга буткул барҳам берилди. Жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Ушбу соҳада қуйидагилар давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўна-тиришлари этиб ҳисобланди:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш;

– ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

– идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмаиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш;

– жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси



ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, интернет ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инобатга олинишини таъминлаш;

– ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда, аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этиш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан, уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. Ушбу комиссиянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

– қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

– ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолиятини уларнинг фаолияти самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;



– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

– жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш;

– жиноятлар фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган шахсларнинг қидирувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ва профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

– тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

– ваколатли органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳам-корлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

– ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш белгилаб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузасида ҳам профилактика инспекторининг жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишга алоҳида тўхталиб ўтди:

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгармоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди.

Қайд этиш жоизки, ўтган вақт давомида Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуслари асосида фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг етти устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги



фаолиятни мувофиқлаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазибалар белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторининг жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш жамият аъзоларининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уларнинг давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органларига бўлган ишончини ошириш, етказилган зарарни камайтириш, ҳуқуқбузарликлар содир этилиш ҳолатларини барқарорлаштириш, фуқароларнинг нормал турмуш тарзини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йулимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” асари 322-бет.
2. Ў.Т. Гулматов. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари. Республика илмий-амалий конференция тўплами. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ваколатли органлар етарли даражада ташаббус кўрсатиши лозим. Илмий мақола. [https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/11- toplam_xuquqbuzarlik lar _profilaktikasi.pdf](https://ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/11- toplam_xuquqbuzarlik_lar_profilaktikasi.pdf)
3. Д. Абдуллаева. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда профилактика инспекторининг роли қандай? 20214379. Ижтимоий фикр. <https://yuz.uz/news/jamoat-xavfsizligini-taminlashda-profilatika-inspektorining-roliganday>.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М / Масъулмуҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «O`zbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. – 672 б
5. Субъект (философия) [Электрон манба] // URL: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Субъект_\(философия\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Субъект_(философия))
6. Ў. Атажанов. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Илмий мақола. “PEDAGOGS” international research journal ISSN: 2181-4027_SJIF: 4.995. <https://pedagoglar.uz/index.php/ped/article/view/2244>



7. <https://lex.uz/ru/docs/5353841> Ўзбекистон Республикаси
Президентининг қарори, 02.04.2021 йилдаги ПҚ-5050-сон